

ТАШКИЛОТЛАРГА ИЧИМЛИК СУВИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ
ШАРТНОМАСИ 12

Тошкент ш.

«15» январь 2022 й

«Ўзбекистон темир йуллари» АЖга карашли Тошкент минтакавий темир йул узелининг Сув таъминоти ва биноларни сақлаш дистанцияси бошлиги М.У. Курбанов (кейинги уринларда «Таъминотчи» деб аталади) йил ишончнома асосида иш юритувчи бир томондан Сардаре Вилоев Ботиров боши- ва Жармаси Довос Бушиев номидан раҳбар (кейинги уринларда «Истеъмолчи» деб аталади) уз НИЗОМи асосида иш юритувчи иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар:

1. Шартнома мавзуси

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га темир йул сув тармогидан хужалик эхтиёжлари учун бир ойга хисобланган м³ ичимлик сувини (1м³ нархи 3395 сум (ККС сиз) фойдаланишга рухсат беради.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. Таъминотчининг мажбуриятлари график асосида истеъмолчига сувни етказиб бериб Истеъмол килинган сув хажми сув улчагич билан ҳисобланади. Сув улчагич булмаган ҳолда, ишламаганда, тамгаси бузилган ҳолларда истеъмол килинган сув хажми кувур кесими буйича ойнинг иш кунлари учун нармативлар асосида куйидаги формула $Q = M * F * \sqrt{2 * g * H} * t$ билан ҳисобланади., ичимлик сувига истеъмолчи томонидан урнатилган сув улчагичларини текшириб туради.

2.2. Истеъмолчининг ёнгина карши кураш кран ва гидрантларини таъминотчи вакили муҳрлайди.

2.3. Таъминотчи истеъмолчига куйидаги ҳолларда сув беришни тухтатиш ҳуқуқига эга: режа буйича ёки таъмирлаш ишларини бажариш лозим булганда, яъни истеъмолчининг тармоқларини узиб бажариш керак булган тақдирда.

2.4. Истеъмолчининг водопровод-канализация хужалиги ишга яроксиз булган ҳолларда.

2.5. Таъминотчи вакилини истеъмолчининг-водопровод- канализация хужалигини текширишга куймаган ҳолларда.

2.6. Истеъмолчи томонидан лимитда белгилангандан ортикча сув сарфланганда ва унинг чиқинди сувлари таркибда зарарли моддалар концентрация белгиланган микдоридан ошиб кетган тақдирда белгилашган тарифдан уч баробар куп ҳақ ишлатилади.

2.7. Истеъмолчининг мажбуриятлари: Таъминотчи вакилининг сув улчагичларини эркин текширишга имконият яратиш, ушбу шартномага истеъмолчига карашли булган барча объектларнинг жойлашган урни, бир кеча кундузнинг бир соатида чиқадиган сувларнинг ва истеъмол килинадиган сувларнинг микдори ва водопровод тармоқлари кувурларнинг диаметри, узунлиги ва йуналиши курсатилган схемаси илова қилади. «Истеъмолчи» иншоот ва биноларни ичидаги сув кувурлари ва унинг худудигача булган сув кувурларининг техник ҳолатига жавоб беради. Сув кувурларидан эътиборсиз чиқадиган сув, узбошимчилик билан сугорлиш ва бошка фойдаланиш коидаларини бузиш ҳолларида кувур кесими буйича нармативлар асосида куйидаги формула $Q = M * F * \sqrt{2 * g * H} * t$ билан ҳисоблаб 3 баробари микдорда жарима тулайди.

2.8. Истеъмолчи Таъминотчи вакили томонидан ховли худудларига урнатилган плomba ва пробкаларнинг тегишли рухсат булгунча дахлсиз сақланишини таъминлайди. Ички ховли водопровод ва канализация тармоқлари, кудуклари ва хокозолардан тугри фойдаланишни назорат қилади.

2.9. Истеъмолчи томонидан ичимлик суви хужалигига жавобгар шахс килиб, _____ тайинлайди. Истеъмолчининг сув улчагич курсаткичларини хар ойнинг 25-кунига қадар жавобгар шахс томонидан **Таъминотчига** тақдим қилади. Тақдим килинмаган ҳолда истеъмол килинган сув хажми кувур кесими буйича $Q = M * F * \sqrt{2 * g * H} * t$ нармативлар асосида ҳисобланади ва қайта ҳисоб китоб килинмайди.

2.10. «Истеъмолчи» шартномага илова килиб, уз кармогидаги иншоотларнинг жойлашиши ва уланган сув кувурларининг диаметрлари курсатилган чизмани, сувга булган эхтиёж ҳисобини бериб, ичимлик суви кувурларида ва банк реквизишларида буладиган узгаришлари уз вақтида маълум қилади.

3. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб -китоб тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг истеъмолчи томонидан туланадиган баҳоси 101850 сумни ташкил қилади.

3.2. Истеъмолчи томонидан таъминотчи курсатган хизматлар баҳосини тулаш таъминотчининг мазкур шартномада ҳисоб-китоб вароғига пул маблағларини кучириш йули билан амалга оширилади.

3.3. Сувга ҳақ тулаш ойлик ичимлик сувидан фойдалангани учун белгиланган тарифлар курсаткичига асосан олдиндан 50 % микдорида туловни амалга оширилади, қолган 50 % ичимлик сувини қабул қилиш -етказиб бериш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 5 кун ичида ҳақ тулайди.

3.4. "Истеъмолчи"нинг сув улчагич курсаткичлари ойига бир марта "Таъминотчи" вакили томонидан ҳисобга олиб борилади.

3.5. "Истеъмолчи"нинг сув улчагич ишламаган тақдирда олинган сув микдори урнатилган сув кувурининг диаметрига нисбатан нармативлар $Q = M * F * \sqrt{2 * g * H} * t$ асосида ҳисоблаб ҳақ туланади.

4. Томонларнинг жавобгарликлари

4.1. "Истеъмолчи" ичимлик суви ва оқова сув хизмати учун ҳакни уз вақтида туламаса, таъминотчига утказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 % микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 %дан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

4.2. "Таъминотчи" ичимлик суви ва оқова сув хизматини уз вақтида (белгиланган график асосида) курсатмаса, Истеъмолчи га утказиб юборилган хар бир кун учун қонунда белгилаган тартибда жарима тулайди.

4.3. "Таъминотчи" ичимлик суви нархини узгартириш ҳуқуқига эга

4.4. Темир йулнинг ишлаш жараёнига ҳалакит берган ҳолда, берилаётган сув 3 кун олдин «Истеъмолчи»ни огоҳлантириб,

авария холлариди эса огохлантирмай сув хажмини камайтириш ёки беркитишига ва куйидаги холларда «Истеъмолчи» олдида окибатлари учун «Таъминотчи» жавобгар хисобланмайди: иншоотларга электр куввати бериш тухтаб колса, катта шикастланишлар ёки табиий офатлар юз берса;

4.5. "Истеъмолчи" "Ичимлик сувдан фойдаланиш коилалари"га риюя килиши, сувнинг исроф булишига йул куймаслиги, сув улчаш асбобларининг бузилишдан саклаши ичимлик сув кувурлари жойлашган жойларга "Таъминотчи" вакилини сув улчагич асбобларининг ишини текшириши учун хамма вақт каршиликсиз киритишни таъминлаши шарт.

4.6. "Таъминотчи" ичимлик сув нархини узгартириш ҳуқуқига эга булиб, бу ҳақида «Истеъмолчи» 30 кун олдин ёзма равишда такдим этади.

4.7. Тарафларнинг мазкур шартномада кузда тугилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал килувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ кулланилади.

5. Форс- мажар ҳолатлари

5.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлиқ булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булмаган тақдирда у шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. (Уруш эълон килиши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эмбарго, ер кимирлаши, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

5.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

5.3. Агар бартараф килиб булмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир - бирини ёзма равишда огохлантириб, шартномани ижросини бекор килиши мумкин.

6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани бажариш юзига келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар уртасида имкон қадар музокаралар йули билан ҳал килинади.

6.2. Шартнома бандлари буйича келишмовчиликлар музокара йули билан ҳал булмаса Иқтисодий суд томонидан куриб чиқилади.

7. Шартномага узгартириш ва қушимчалар киритиш

7.1. Ушбу шартномада курсатилган барча узгартириш ва қушимчалар фақат иккита тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қуйилгандан кейингина юридик кучга эга.

7.2. Шартномани тарафларнинг узаро келушувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

8. Яқуний қондалар

8.1. Мазкур шартнома тарафлар уни имзолаган кундан ва Газначилик органларидан утгандан сунг кучга қиради ва 31 декабр 2022 йилга қадар амал қилади.

5.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга вақолатли вакиллари томонидан имзолаганидан сунг ҳақиқий хисобланади.

8.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси сакланади.

9. Томонларнинг ҳуқуқий манзиллари ва банк реквизитлари

«Таъминотчи»

Тошкент сув таъминоти ва
биноларни саклаш дистанцияси
Манзил: Тошкент шаҳар
Туркистон кучаси 7 уй
Банк: ТИФ МБ Тошкент шаҳар,
Миробод филиали
х/р - 20210000904604990001
МФО - 00875
ИНН - 206855699
ОКЭД - 49200

«Истеъмолчи»

Номи **SIRDARYO VILOYATI BOJXONA**
Манзил **BOSHQARMASI**
Банк **Gulliston shahri, Sayhun ko'chasi, 22-uy**
X/р **H/r: 2340 4000 9002 0927 3327**
МФО **2020 3000 2002 0927 3001**
ИНН **2020 3000 1002 0927 3006**
ОКЭД **2020 3000 6002 0927 3003**
МФО: 00401 INN: 200 322 979
AT «Aloqabank» Amaliyot boshqarmasi

10. Томонлар муҳрлари

Таъминотчи:


Истеъмолчи:

М.У. Курбонов.

(Имзо)

Юрист хулосаси: Мен ушбу шартномани амалдаги У.Р. «Фуқаролик кодекси» ва Хужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза килиб, шартномада курсатилган муносабатлар юқоридаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари хисоб қилоб, сув етказиб бериш ва узиб қуйиш тартиби томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини билдираман. Шу сабабли шартнома «Истеъмолчи» ва «Таъминотчи» урталарида имзоланиши мумкин деб ҳисоблайман

№ Хуқуқшунос: Ф.ИО. _____

YURIDIK XIZMAT № 006
IMZO  20.01.2022 y